

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 338:502.131(575.1)**

НАСИРОВ ЭГАМКУЛ ИСМАИЛОВИЧ

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ДОИРАСИДА
«ЯШИЛ» ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий маслаҳатчи: белгиланмаган

Тошкент шаҳри – 2025 йил

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ.....	3
I БОБ.	БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШДА «ЯШИЛ» ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	18
1.1-§.	«Яшил» иқтисодиётга ўтишга оид илмий-назарий қарашлар.....	18
1.2-§.	«Яшил» иқтисодий ўсишни таъминлашда «яшил» молиялаштириш экотизимини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти.....	33
1.3-§.	«Яшил» лойиҳаларни молиялаштириш воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари.....	54
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	63
II БОБ.	«ЯШИЛ» ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ТУРЛИ ВОСИТАЛАР ВА УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	67
2.1-§.	«Яшил» облигацияларни муомалага чиқаришнинг услубий ва амалий жиҳатлари таҳлили.....	67
2.2-§.	Давлат-хусусий шериклиги асосида «яшил» лойиҳаларни молиялаштириш хусусиятлари.....	83
2.3-§.	«Яшил» лойиҳаларни молиялаштиришда молиявий воситалардан фойдаланишнинг хориж тажрибаси таҳлили	105
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	122
III БОБ.	ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	126
3.1-§.	Энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий қилишнинг энергия самарадорлигига таъсири.....	126
3.2-§.	Энергетика соҳасига киритиладиган инвестициялар самарадорлигини эконометрик моделлаштириш.....	134
3.3-§.	Энергия самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришнинг хориж тажрибалари.....	151
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	163
IV БОБ.	БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА «ESG» ОМИЛЛАРГА АСОСЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШНИНГ ИЛМИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	166
4.1-§.	Глобал миқёсда «ESG» омиллар асосида инвестициялар киритиш юзасидан ёндашувнинг юзага келиши ва ривожланиши хусусиятлари.....	166
4.2-§.	«ESG» омиллар асосида инвестициялар киритиш юзасидан методологик ёндашувлар.....	179
4.3-§.	Иқтисодиёт субъектларининг «ESG» рейтингини аниқлаш методологияси ...	192
	Тўртинчи боб бўйича хулоса.....	203
	ХУЛОСА.....	206
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	212
	ИЛОВАЛАР.....	225

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришиш глобал миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш имконини беради ҳамда барқарор ривожланиш ҳисобига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни таъминлаш, камбағаллик даражасини қисқартириш ва сайёрамиз экотизими фаолиятини яхшилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бироқ, БРМда белгиланган вазифаларни амалга оширишда аксарият мамлакатлар йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезмоқда. Бу жараён айрим ривожланаётган ва аҳоли даромади ўртачадан паст бўлган давлатлар учун мураккаб кечмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо-сотиқ ва ривожланиш бўйича комиссияси (UNCTAD) ҳисоботида қайд этилишича, «Ривожланаётган мамлакатларда Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқ барча йўналишларда йиллик инвестициялар дефицити 2015 йилдаги 2,5 трлн. АҚШ долларида бугунги кунга келиб, 4 трлн. АҚШ долларига етди. Инвестициялар етишмовчилиги кўпроқ энергетика, сув таъминоти ва транспорт инфратузилмасида кузатилмоқда»¹. Барқарор ривожланишга эришишда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ҳамда унга мослашиш, атроф-муҳитни асраш йўлидаги муҳим қадамлардан бири «яшил» иқтисодиётга ўтиш ҳисобланади. Шу боис, дунёнинг етакчи давлатлари томонидан барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасида «яшил» лойиҳаларни кенг кўламда молиялаштиришга устуворлик қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида атроф-муҳитни асраш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослашиш билан боғлиқ фаолият йўналишларини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқот ишларига алоҳида урғу берилмоқда. Ушбу йўналишга оид илмий тадқиқотлар натижасида иқтисодиёт субъектлари учун узоқ муддатли «яшил»

¹ Доклад о мировых инвестициях за 2023 год. Инвестиции в устойчивую энергетику для всех. Обзор. ООН. 2024. – С. 1. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023_overview_ru.pdf.

бизнес юритишга оид ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқиш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва капитал харажатларни қисқартириш эвазига иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш, жаҳон миқёсида барқарор молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида қимматли қоғозлар воситаларини глобал капитал бозорларига олиб чиқиш ва уларни жойлаштириш юзасидан халқаро стандартлар ва методологиялар ишлаб чиқилди. Бироқ, хусусий инвесторлар маблағларини «яшил» лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш, «яшил» инвестициялар киритиш орқали кам углеродли иқтисодиётга ўтишни таъминлаш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва уларнинг таъсирини юмшатиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришда турли молиявий воситалардан фойдаланиш ҳамда ривожланаётган мамлакатларда энергетика соҳасида «яшил» ўзгаришларга олиб келадиган лойиҳаларни молиялаштиришга ўтиш билан боғлиқ долзарб вазифалар ҳанузгача тўлиқ ўз ечимини топмаган.

Ўзбекистонда БМТнинг БРМда кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 2030 йилгача бўлган давр учун барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар белгилаб олинган. БРМга эришиш борасида молиявий ресурслар тақчиллиги муаммоси мамлакатимизга ҳам бевосита тааллуқли ҳисобланади. Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китобларига кўра, «COVID-19 инқирозидан олдин, Ўзбекистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиши учун ривожланишни қўшимча молиялаштиришга бўлган умумий эҳтиёж ҳар йили мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийб 7,9 фоизини ташкил этиши тахмин қилинган эди. Бироқ, инқироз натижасида талаб қилинадиган маблағлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда»². Мазкур ҳолат, мамлакатимизнинг БРМга эришишида давлат маблағлари билан бир қаторда хусусий инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишни, бунинг учун

² «Ўзбекистон - 2023». Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш тўғрисида ихтиёрий миллий ҳисоботи (иккинчи нашр) – Б. 12.